ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-310-318

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ САЛОХИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

А. М. Назаров
Тошкент давлат аграр университети

А. Р. Абдурайимов
Тошкент давлат аграр университети

АННОТАЦИЯ

Экспортчиларнинг халкаро бозорларда эгаллаган позицияси мустахкамлиги уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатбардошлиги ҳамда рақобатлаша олиш имкониятлари билан ўлчанади. Бугунги кунда жаҳон озиқ-овқат бозорларига ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи товар ишлаб чикарувчилар олдида турган энг мухим вазифалардан бири– бу маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасини бахолай олиш ва туғри аниқлашдир.

Калит сўзлар: Мева, сабзавот, экспорт, сифат, рақобатбардошлик.

CURRENT ISSUES OF STRENGTHENING THE COUNTRY'S EXPORT POTENTIAL BY INCREASING THE COMPETITIVENESS OF AGRICULTURAL PRODUCTS

ABSTRACT

The strength of the position of exporters in international markets is measured by the competitiveness and competitiveness of their products. One of the most important tasks facing commodity producers today, who export their products to world food markets, is to assess and accurately determine the level of competitiveness of products.

Keywords: Fruits, vegetables, exports, quality, competitiveness.

КИРИШ

Мева-сабзавотчилик куйи тармоғи Ўзбекистон аграр секторининг мухим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ аҳолининг озиқ-овқат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-310-318

маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга булган талабини қондириш билан бирга, мамлакатимизнинг экспорт салохиятини оширишга ва валюта маблағларини ишлаб топишга имкон яратади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси”да “замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга булган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга пакана ва ярим пакана дарахтларни экиш орқали интенсив боғ ва ўзумчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмларини оширишга алоҳида эътибор қаратилган”.

Кейинги йилларда республикамизда мева-сабзавотчилик тармоғини тубдан модернизациялаш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган мухим тадбирлар амалга оширилди. Натижада мамлакатимизнинг мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш салохияти сезиларли даражада ошди. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот, эътибор беринг, тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 724 минг тонна хул мева четга сотилди ва бу юртимизга 856 миллион доллар валюта келтирди. Холбуки, илгари минг-минг тонна турли ширин-шакар меваларимиз далада қолиб, чириб кетар, исроф буларди, энг ёмони, увол булар эди”.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 ноябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотлари, **ў**зум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, куритилган сабзавот ва меваларни махаллий экспорт қилувчиларни қуллаб-қувватлаш бўйича қушимча чора-тадбирлар туғрисида”ги ПФ-3377-сонли ва 2018 йил 17 октябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қушимча чора-тадбирлар туғрисида”ги ПФ-3978-сонли карорларида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш ва “Global GAP”, “Halal” ва “Organic” сифат стнадартларини жорий этишни жадаллаштириш борасида бир қатор вазифалар юклатилган.

Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспортга чиқариш борасида амалга оширилаётган кенг куламли чора-тадбирлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-310-318

натижасида салмоқли натижалар қулга киритилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги ва “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК томонидан Ўзбекистон Республикасида 2019-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган: (1.1- жадвал).

НАТИЖАЛАР

1.1-жадвал

2019 — 2021 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини қайта ишлаш ва экспорт қилишнинг

ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Маҳсулот турлари	Қайта ишлашга					Экспортга					
		2021 й. 2018 й., %	2018 й. (амалда)	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 й. 2018 й., %	2018 й. (амалда)	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 й. 2018 й., %
1	Мева-сабзавот-жами	110,0 %	2 131,5	2 692	3 177,2	3 922,6	184,0 %	1 251,7	2 062,4	2 264	2 528,3	202,0 %
1.1	Сабзавот	109,9 %	1 170,7	1 489,6	1 740,6	2 166,9	185,1 %	472	932,4	1 016	1 128,2	239,0 %
	помидор	109,8 %	280,4	356,9	417,2	519,5	185,2 %	61,6	89,3	97,9	110,6	179,6 %
	бодринг	110,3 %	128,3	164,3	193,0	241,4	188,1 %	16,7	21,7	25,7	30,5	182,5 %
	пиёз	109,7 %	134,3	169,9	197,5	244,9	182,3 %	100,4	260,0	282,4	312,5	311,3 %
	саримсоқ пиёз	111,2 %	28,8	37,8	45,2	54,3	188,5 %	5,2	23,9	29,2	33,5	6 баробар
	сабзи	110,1 %	292,2	373,1	437,1	545,4	186,6 %	63,5	122,7	135,0	151,0	238,0 %
	карам	109,4 %	154,6	195,5	227,1	281,4	182,0 %	84,4	137,2	150,9	168,8	200,0 %
	кўкатлар	110,6 %	46,5	60,7	72,4	91,7	197,0 %	51,5	103,3	114,1	128,1	248,7 %
	бошқалар	109,4 %	105,4	131,5	151,1	188,4	178,7 %	88,7	174,2	181,3	193,1	217,6 %
1.2	мева	109,3 %	516,1	651,6	771,2	938,8	181,9 %	335,9	541,5	601,1	679,2	202%

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-310-318

	олма	109,3 %	175,2	221,3	262	319,0	182,1 %	7,5	14,6	16,4	18,6	248,5 %
	нок	110,2 %	29,9	38,7	46,9	58,0	194,1 %	0,7	8,9	10,9	13,3	20 бароб ар
	гилос	110,5 %	39,7	49,1	57,1	68,5	172,7 %	33,8	53,6	58,6	65,2	193%
	ўрик	110,0 %	105	133,7	159,3	195	185,7 %	42,7	68,0	76,5	87,6	205,3 %
	шафтоли	111,6 %	98,1	125,0	149,2	182,8	186,4 %	65,1	84,7	102,2	116,7	179,1 %
	ёнғоқ	110,8 %	12,8	14,8	16,2	18,5	144,6 %	5,4	8,1	10,3	12,9	239,0 %
	хурмо	115,6 %	8,4	11,1	13,4	16,7	198,4 %	55	74,7	84,4	96,3	175,1 %
	анор	114,4 %	14,5	18,8	22,8	28,2	194,5 %	11,6	22,8	26,8	30,8	265,9 %
	бошқалар	105,5 %	45,3	53,8	60,5	70,5	155,4 %	119,6	214,2	225,3	251	209,7 %
1.3	Полиз	110,4 %	3	3,5	4,1	4,9	164,4 %	33,7	76,1	85,2	94,6	280,3 %
	қовун	110,7 %	1	1,2	1,4	1,7	166,4 %	14,8	32,3	36,2	40,3	271,8 %
	тарвуз	110,1 %	1,5	1,7	2	2,3	157,6 %	1,7	11,9	14,3	15,9	9 бароб ар
	қовоқ	110,9 %	0,5	0,6	0,7	0,9	180,6 %	17,2	31,9	34,6	38,3	222,7 %
1.4	Дуккакли	121,1 %	107,8	133,7	151,2	188,7	174,9 %	203,2	249,1	266,5	293,2	144,3 %
	мош	119,0 %	72,1	89,5	101,2	128,2	177,7 %	109,3	134,1	141,5	153,7	140,7 %
	ловия	125,4 %	20,6	25,5	28,9	37,0	179,8 %	87,8	101,3	108,4	120,2	137,0 %
	нўхат	116,0 %	15,1	18,7	21,2	23,4	155,1 %	6,2	13,6	16,6	19,2	310,2 %
1.5	Узум	109,3 %	333,9	413,6	510,1	623,3	186,7 %	206,8	263,3	294,9	333,2	161,1 %

Экспортчиларнинг халкаро бозорларда эгаллаган позицияси мустахкамлиги уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатбардошлиги**,** ҳамда рақобатлаша олиш имкониятлари билан ўлчанади. Бугунги кунда жаҳон озиқ-овқат бозорларига ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи товар ишлаб чикарувчилар олдида турган энг мухим вазифалардан бири - бу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-310-318

маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасини бахолай олиш ва туғри аниқлашдир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари рақобатбардошлигини аниқлашни қўйидаги босқичлар бўйича амалга ошириш мумкин.

1. Бозор конъюнктурасини ўрганиш (талаб ва таклиф кўрсаткичлари, бозор мувозанати, нархлар, бозор сиғими, бозорнинг товар ва жуғрофий таркиби, сотиш каналлари, реклама).

2. Маҳсулотлар рақобатбардошлигининг истеъмол (товарнинг нафлилиги, сифат кўрсаткичлари, дизайни, қадоқланиши, сотишдан олдинги ва кейинги сервис) ва иқтисодий (товар таннархи, материал сиғими, меҳнат сиғими, энергия сиғими, фонд қайтими, фонд сиғими, фойда, рентабеллик даражаси ва бошкалар) кўрсаткичларини тизимли тахлил этиш.

3. Рақобатчиларни ўрганиш ва таққослама тахлил этиш асосида уларнинг рақобат устунликлари ва заифликларига баҳо бериш.

4. Рақобатбардошлик кўрсаткичларининг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш.

Рақобатбардошлик биринчи навбатда бозорга таклиф этилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини акс эттиради. Сифат параметрлари одатда ишлаб чиқарувчининг манфаатларидан келиб чиқиб аниқланса, рақобатбардошлик параметрлари биринчи навбатда истеъмолчиларнинг манфаатларидан келиб чиқиб аниқланади.

МУҲОКАМА

Маҳсулот сифатига табиий-иклимий, техник-технологик, ижтимоий-психологик ва ташкилий-иктисодий характердаги бир қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи табиий омилларга тупроқ таркиби, худуднинг иқлим шарт-шароитлари, об-хаво, ўсимликлар вегетация давринининг давомийлиги, қуёш харорати, ёруғлик ва намлик даражаси кабилар киради. Масалан, мамлакатимизда вегетация давринининг март ойидан токи ноябрь ойининг охирларигача давом этиши, қулай табиий-иқлим шароитлари жаҳон бозорларида харидоргир булган, бетакрор таъм ва юқори истеъмол хусусиятларига эга мева- сабзавотлар етиштиришга имкон яратади.

Маҳсулот сифатига агротехника тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши, юқори унумли ва замонавий технологиялар, техникалар ҳамда машиналар тизимини қуллаш, сифатли уруғлик, минерал ва органик уғитлардан оптимал фойдаланиш, уруғчилик-селекция ишлари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-310-318

самарадорлигини ошириш, турли касалликлар ва зараркунандаларга карши курашиш каби техник-технологик омиллар хам кучли таъсир кўрсатади. Техник-технологик омиллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга ва маҳсулотлар сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш имконини яратади.

Мева ва сабзавот маҳсулотларини жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларида манфаатли нархларда сотиш учун бозорга чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи куриниши, таъм хусусиятлари ва асл холатини сақлаб қолиш мухимдир. Мева-сабзавот маҳсулотларининг жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминловчи сифат кўрсаткичларига қўйидагилар киради: маҳсулот ранги; силлиқлилиги; бандларининг мавжудлиги; диаметри; доғлилик даражаси; оғирлиги (массаси); серсувлик миқдори; қуруқлик моддаси; қанд миқдори; умумий кислоталик даражаси; пектин моддалар миқдори; аскорбин кислотаси миқдори ва бошқалар.

Мева-сабзавот маҳсулотлари таркибида турли-туман, баъзан ўрнини босиб булмайдиган ва хаётий зарур биологик актив моддалар (витаминлар, органик кислоталар, ферментлар ва бошқ.) мавжуд булиб, улар озиқ-овқатлар орқали инсон организмига тушади. Мевалар инсонлар хаётий фаолияти учун катта аҳамият касб этади. Улар шакар, органик кислоталар, оқсил, ёғлар, минерал тўзлар, витаминлар, ферментлар, коллоидлар, пектин моддалар, хушбуй ва бошқа қимматли моддаларга бой.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларига нисбатан бу юқори сифатли, экологик хавфсиз ва бетакрор таъм хусусиятларига эга булган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларни сифат кўрсаткичлари бўйича табақалаштириш, сақлаш, истеъмолчилар учун қулай тарзда қадоқлаш ва етказиб бериш (керак бўлса уйларига) масалаларини ўз ичига олади.

Мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига қўйидаги омилларни киритиш мумкин: маҳсулотнинг нафлилиги, таъм ва истеъмол хусусиятлари; маркетинг ва реклама-ахборот билан таъминланганлик даражаси; сифат кўрсаткичлари; дизайни ва қадоқланиши; маҳсулотни бозор сигментларига кўра табақалаштириш; нархи; таннархи; экологик хавфсизлиги, техник нормалар ва стандартларга мос келиши; кафолатлар билан таъминланганлиги ва кафолат бериш муддатлари; сотишдан олдинги ва кейинги сервис холати; рақобат бозорида товарнинг ўз вақтида пайдо булиши ва бошқалар.

Мева-сабзавот маҳсулотлари сифатини баҳолашда унинг таркибига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-310-318

кирувчи витаминлар, микроэлементлар ва туйимлилиги асосий аҳамият касб этади. Булардан ташқари маҳсулотнинг истеъмолчилар учун ишончлилиги, яъни лаборатория текширувидан ўтганлиги ва истеъмол учун хавфсизлиги хам мухим кўрсаткичлар ҳисобланади.

Маҳсулот сифатига табиий-иқлимий, техник-технологик, ижтимоий-психологик ва ташкилий-иқтисодий характердаги бир катор омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи табиий омилларга тупроқ таркиби, худуднинг иқлим шарт-шароитлари, об-хаво, ўсимликлар вегетация давринг давомийлиги, қуёш харорати, ёруғлик ва намлик даражаси кабилар киради. Масалан, мамлакатимизда вегетация давринг март ойидан токи ноябрь ойининг охирларигача давом этиши, қулай табиий-иқлим шароитлари жаҳон бозорларида харидоргир булган, бетакрор таъм ва юқори истеъмол хусусиятларига эга мева- сабзавот маҳсулотлари етиштиришга имкон яратади.

Маҳсулот сифатига агротехника тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши, юқори унумли ва замонавий технологиялар, техникалар ҳамда машиналар тизимини қуллаш, сифатли уруғлик, минерал ва органик уғитлардан оптимал фойдаланиш, уруғчилик-селекция ишлари самарадорлигини ошириш, турли касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш каби техник-технологик омиллар хам кучли таъсир кўрсатади. Техник-технологик омиллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга ва маҳсулотлар сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш имконини яратади. Мева ва сабзавот маҳсулотларини жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларида манфаатли нархларда сотиш учун бозорга чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи куриниши, таъм хусусиятлари ва асл холатини сақлаб қолиш мухимдир.

Мева-сабзавот маҳсулотлари таркибида турли-туман, баъзан урнини босиб булмайдиган ва хаётий зарур биологик актив моддалар (витаминлар, органик кислоталар, ферментлар ва бошқ.) мавжуд булиб, улар озиқ-овқатлар орқали инсон организмига тушади. Мевалар инсонлар хаётий фаолияти учун катта аҳамият касб этади. Улар шакар, органик кислоталар, оқсил, ёғлар, минерал тўзлар, витаминлар, ферментлар, коллоидлар, пектин моддалар, хушбуй ва бошқа қимматли моддаларга бой.

Бизнинг шароитимизда етиштирилган мева-сабзавотлар бебахо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, амино ва органик кислоталар, саломатлик учун энг мухим булган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-310-318

урнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради. Хусусан, биз севиб истеъмол қиладиган олма таркибида қанд миқдори - 9,614 %га, кислоталик даражаси - 0,31-0,91 %га, қуруқ моддалар - 16 %га ва С витамин -1,5-11 мг/% га тенг. Булардан ташқари унинг таркибида пектин моддалар, каротин, аллицин, биотин, А, С, Н, $B_ь$ B_2, B_6, Е, РР витаминлари, органик фосфор бирикмалари, эфир мойи, калий, флавоноидлар, полифинол, темир, калий, кальций, натрий, фосфор, марганец, мис, кобальт ва бошкалар мавжуд.

ХУЛОСА

Экспортчи корхоналар, фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлашда кўйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мухим:

- экспортни давлат томонидан қуллаб-қувватлаш механизмларини янада ривож- лантириш;
- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кумаклашиш;
- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истикболли бозорлар, рақобатчилар туғрисида маълумотлар билан таништириш;
- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш ва янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш;
- рақобатдош ва илм талаб инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мулжалланган халқаро стандартларни жорий этиш;
- хорижий мамлакатлар билан замонавий технологияларни стандартлаштириш, метрология ва сифатни сертификация қилиш сохасида хамкорлик қилиш қуламини янада кенгайтириш;
- халкаро стандарт талабларига мос равишда сифат устидан назоратни жорий этиш;
- халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантириш орқали экспорт товарларнинг транспортда ташиш харажатларини камайтириш.

Юқорида келтирилганлардан куриниб турибдики, миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун жаҳон бозорларига чиқиш ва ўз маҳсулотларини экспорт қилишнинг хам давлат, хам фирмалар учун манфаатли томонлари жуда куп.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-310-318

REFERENCES

1. Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 14 мартдаги “Ўзстандарт агентлиги ҳузуридаги стандартлаштириш, сертификатлаш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги”ги 220-сонли қарори (1-4 илова)
2. Абдувалиев А.А., “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” Дарслик “Шарқ” 2018. 607-Б.
3. Парпиев М.П., Назаров А.М. “Стандартлаштириш асослари”. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДАУ, 2020. 78 б.
4. Буриев Х., Жураев Р., Алимов О. Мева-сабзавотларни саклаш ва уларга дастлабки ишлов бериш. Т.: «Мехнат», 2002.
5. Орипов Р.О. ва бош. Кишлок хужалиги маҳсулотларини саклаш ва кайта ишлаш технологияси. Т.: «Мехнат», 1991.